# Qishloq hayoti

2013 йил — Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi | www.qishloqhayoti.uz | 2013-YIL 24-SENTABR, SESHANBA, 115 (8196)-son | 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | Bahosi kelishilgan narxda.




Президентимизнинг 2013 йил 5 июлдаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2013-2014 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан Қашқадарё вилоятида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Қашқадарё худудий электр тармоқлари» ОАЖда олиб борилган ишлар мисолида буни янада аниқроқ кўриш мумкин.

2



Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинаётир. Натижада тадбиркору фермерларнинг истиқболли лойиҳалари тижорат банклари томонидан молиявий рағбатлантирилиб, пировардида, аҳоли фаровонлигининг яхшиланиши ҳамда даромадларининг ошишига хизмат қилмоқда.

2



Сабзи етиштиришнинг нозик сирлари ва ўз машаққатлари бор. Шу билан бирга, фойдали жиҳатлари ҳам талайгина. Масалан, арзимаган пул сарфлаб, сон-саноқсиз витаминларга эга бўлиш мумкин. Чунки 1 килограмм сабзининг суви сиқиб олинса, 600-650 граммгача шарбат чиқади. Ёки ушбу сабзавотдан турли мураббою тузламалар тайёрлаш имконияти мавжуд.

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

► "InfoCom – 2013" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги арафасида "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Жиззах ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежига бегараз тарзда 15 компьютер, кўп функцияли кўчириш мосламаси, проектор ва принтер топширди.

► **Амударё туманида йилига 600 тонна кир ювиш воситаси – синтетик кукун ишлаб чиқарувчи янги корхона иш бошлади. "Манғит грант медиа" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилган ушбу лойиҳага кўра 7 нафар маҳаллий йигит-қиз иш билан таъминланди.**

► Наманган шаҳрида шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, прокуратура, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Меҳнат ярмаркасида 107 аёл ва 80 нафардан зиёд коллеж битирувчиси турли корхона ва ташкилотлар, муассасаларга ўз лаёқати, мутахассислигига мос ишга йўлланма олди.

► **Сайхунобод туманида тадбиркорлар Ойбек Абдусатторов ва Улуғбек Ниёзовларнинг саъй-ҳаракати билан эркаклар, аёллар ва болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқарадиган «Сайхун текстиль бизнес» ҳамда «Сардор текстиль бизнес» тикувчилик корхоналари фаолияти йўлга қўйилди.**

Наманган Вилояти



## БАРАКАЛИ ХИРМОН

Поп туманидаги "Рустамхон бува ўғли Йўлчихон" фермер хўжалиги жамоаси ғалла ва пахтадан ҳар йили баракали хирмон кўтаради. Жорий йилда ҳам ғалла бўйича шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажарган хўжалик аҳли айни кунларда 35,5 гектар майдондаги пахтани уюшқоқлик билан териб олишга киришди.

СУРАТДА: *фермер Абдумажид Рустамов.*

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

## ИМТИЁЗЛИ ЛИЗИНГ

*Фермер хўжаликлари ва машина-трактор паркларини қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашда катта мадад бўлмоқда*

**Мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти йил сайин юксалиб, халқимиз фаровонлиги ортиб бораётганида қишлоқ хўжалигининг салмоғи катта. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг изчил ривожлантирилаётгани соҳа самарадорлигини тобора оширишда муҳим омил бўлмоқда.**

Бу борада сўз юритганда, давлатимиз раҳбари томонидан фермерлик ривожига юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фермер хўжаликларига кўплаб имтиёзлар берилаётгани, аввало, уларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бугунги қишлоқ мулкдори нафақат катта ер, балки замонавий техника эгаси ҳамдир. Ҳукуматимиз томонидан фермер хўжаликларини зарур техника билан таъминлашга доимий эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самарасини бермоқда. Чунончи, фермер хўжаликлари ва машина-трактор паркларига янги техника воситаларининг лизинг шартлари асосида етказиб берилаётгани, мазкур жараёнда қатор имтиёзлар яратилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси ва "Ўзагромашсервис" уюшмаси вакиллари иштирокида ўтказилган матбуот анжумани фермер хўжаликлари машина-трактор паркларини қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлашда кўрсатилаётган имтиёзли лизинг хизматларини янада такомиллаштиришга бағишланди.

Тадбирда "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси бошқаруви раиси Н.Отажонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аграр соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлаб, қишлоқ мулкдорларига зарур техника воситаларини лизинг шартлари асосида етказиб бериш энг мақбул эканини қайд этишди.

Таъкидлаш жоизки, "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси томонидан фермер хўжаликлари ва машина-трактор паркларига лизинг шартлари асосида етказиб берилаётган техника воситалари тури ва ҳажми йил сайин ортмоқда. Хусусан, 2011 йилда 133,2 миллиард сўмлик, 2012 йилда 167,7 миллиард сўмлик турли русумдаги трактор ва агрегатлар етказиб берилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 172 миллиард сўмни ташкил этди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

Навоий Вилояти

### ЮҚОРИ БОСИМЛИ ГАЗ БАЛЛОНЛАРИ

**"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида чет эллик инвесторлар ҳамкорлигида автомобиллар учун юқори босимли газ баллонлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона иш бошлади.**

Янги "KO-UNG CYLINDER" Ўзбекистон–Жанубий Корея қўшма корхонасида 80-90 фоиз иш компьютерлаштирилган тизимда малакали муҳандислар томонидан амалга оширилади. Сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланган мазкур заводда автомобиллар учун 55 литрдан 154 литргача бўлган юқори босимли метан газ баллонлари ишлаб чиқарилади.

– Корхонамизда 100 нафар киши доимий иш билан таъминланди, – дейди корхона муҳандис-технологи Саидолим Саидаҳроров. – Заводимизнинг умумий майдони 3 гектарни ташкил этиб, мукаммал замонавий техника ва қурилмалар ўрнатилган. Асосий технологик ишлаб чиқарувчи қурилмалар Жанубий Кореянинг "NK COMPLTKS. LTD" компаниясига тегишлидир. Улар йилига 120 минг дона газ баллони ишлаб чиқариш қувватига эга. Илгари республикамизга юқори босимли метан газ баллонлари Хитой ва Жанубий Корея давлатларидан келтирилган бўлса, янги корхона иш бошлагани туфайли маҳсулотларни нафақат қўшни, балки МДҲ давлатларига ҳам экспорт қилиш кўзда тутилмоқда. Келгусида бу ерда нафақат метан, балки пропан, бутан ва кислород газ баллонлари ҳам ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Қўшма корхонада хомашё тайёр маҳсулотга айлангунча 43 та жараёндан ўтади. Мазкур жараёнлар тўлиқ назоратга олинган. Шунингдек, корхона лабораториясида маҳсулотларни ультратовушли, пневматик ғилдиракли ва техник синовдан ўтказиш қатъий йўлга қўйилгани тайёрланаётган баллонлар сифати меъёрий ҳужжатларга тўла мос келишини таъминламоқда. Лаборатория текширувидан асосий мақсад истеъмолчиларга сифатли ва хавфсизлик талабларига тўлиқ мос келувчи маҳсулотларни етказишдир.

**Маърифат ШАРИПОВА**

Бухоро Вилояти

### МАҲАЛЛАДА ТИКУВЧИЛИК ЦЕХИ

**Когон тумани Шўробод маҳалласида тадбиркор Мақсуд Муҳаммедовнинг ташаббуси билан янги тикувчилик цехи иш бошлади.**

Унда 63 нафар хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Цех очилишида "Агробанк"нинг вилоят бўлими томонидан ажратилган 350 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағи қўл келди.

**Ҳамроз АЛИ**

Сурхондарё Вилояти

### АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

**Термиз шаҳрида вилоят онкология диспансерининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

"Истиқлол-бино" хусусий корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этилган 3 қаватли бинода 50 ўринли стационар, диспансер ва рентген бўлимлари фаолият юритмоқда. Мазкур диспансерда нур диагностика ҳамда даволаш бўлимлари мукаммал таъмирланиб, барча зарур ва юқори технологияли тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланиб, онкологик касалликларни эрта аниқлаш имкони яратилди.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ**

Сирдарё Вилояти

### ЯНГИ БИНОДА ЯНГИЧА ХИЗМАТЛАР

**Янгиер шаҳрида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази субфилиалининг замонавий биноси фойдаланишга топширилди.**

"Давр" хусусий фирмасининг қўлигул қурувчилари бунёд этган тиббий марказ субфилиалини реконструкциялашга 1 миллиард 893 миллион сўмлик маблағ сарфланди. 55 ўринли тиббиёт масканида хирургия, травматология, шошилинч тиббий хизмат бўлимлари фаолият кўрсатаётир.

— Тиббий маскан замонавий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланди, — дейди бош шифокор Абдуғани Вайдуллаев. — Бу ерга илк бор жарроҳсиз операция ўтказадиган мепороскопия ускунаси ҳам келтирилди. Бундан ташқари, марказимиз 3 та "Дамас" русумли "Тез тиббий ёрдам" машинаси билан таъминланди. Беморлар учун қулайлик яратиш мақсадида алоҳида иситиш тизими ўрнатилди. Шошилинч тиббиёт маркази субфилиалида айни пайтда 8 нафар олий тоифали шифокор, 45 нафар ҳамшира беморларга тиббий хизмат кўрсатмоқда.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

## НЕЪМАТЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИСИ ҲАЛОВАТДИР

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНИЛМОҚДА

**Эсимда, бобом раҳматли ҳар доим "Хотиржамлик, бағри бутунликни берсин" деб дуо қилардилар. Мен эса мурғак ақлим билан ўйлардим: бобом бир умр камбағал яшаган бўлса, нега Худодан бойлик сўрамайди? Кекса бўла туриб, нима учун ўзига соғлик, узоқ умр тиламайди? Хотиржамлик нима ўзи? Бағри бутунлик нима дегани?**

Ёшим улғайиб, оқ-қорани ажрата бошлаганимда тушундимки, хотиржамлик ҳамма нарса экан. Тинчлик, тўқлик, соғлик, оилавий бахт – инсон учун зарур барча неъматлар ана шу сўзда мужассам экан.

Одам истаганча мол-дунё тўплаши мумкин. Лекин оиласи тинч-тотув бўлмаса, ўзини бахтли ҳис этолмайди. Ризқи ҳам, оиласи ҳам тўкис бўлса-ю, жони оғриб турса, хотиржам бўлолмайди. Тани саломат бўлиб, узоқ умр кўрса-ю, ҳаётини инсоф-диёнатда ўтказмаган бўлса, афсус-надомат ва виждон азобидан қийналади.

Буларнинг ҳаммаси бекаму кўст бўлса-ю, эл-юрт нотинч бўлса, кўнгилга ҳеч нарса сиғмайди.

Бир ойча олдин қишлоққа боргандим. Айни пахталар суғорилаётган пайт. Эшбой ака деган сувчи билан гурунглашиб қолдим. Ҳаётини, топиш-тутишини сўрадим.

– Сув қўйганим учун гектарига 25 минг сўмдан оламан, – деди Эшбой ака. – Бошқа пайт деҳқончилик қиламан. 16 сотих томорқамиз, икки бош сигиримиз бор. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олмаймиз. Рўзғоримиздан сут-қатиқ узилмайди. Болаларнинг онаси тикувчи. Хотин-халажнинг кийимини тикади, тўрт-беш қизга ҳунар ўргатади. Худога шукур, бировдан кам жойимиз йўқ.

– Янада яхши яшашни, бойроқ бўлишни хоҳламайсизми? – дедим ўсмоқчилаб.

– Йўқ. Меҳнатимга яраша ризқимни топиб турибман. Ишдан бориб, болаларим билан гаплашаман, бир дастурхон атрофида овқатланаман. Тинч-хотиржам ухлайман. Менга шунинг ўзи етади, – деди Эшбой ака.



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Тўғриси, бундай жавобни кутмаган эдим. Сувчилик қишлоқдаги энг камтарона касб-корлардан бири, сувчиларнинг даромади ҳам, дунёқараши ҳам шунга яраша бўлади, деб ўйлаган эканман. Аммо у замонлар ўтиб кетибди. Қишлоқ одамларининг турмуш даражасида ҳам, фикрлашида ҳам шаҳарликлардан асло фарқи қолмабди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# НЕЪМАТЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИСИ ҲАЛОВАТДИР

**(Боши 1-саҳифада)**

Ҳақиқатан ҳам, моддий бойлик, кўрку ҳашам инсонни бахтли қилолмайди. Масалан, ривожланган давлатларда инсон учун деярли ҳамма шарт-шароит бор. Лекин аксарият одамларда ички хотиржамлик, турмушида ҳаловат йўқ.

Европа мияни ўрганиш кенгаши (European Brain Council) ва Европа нейропсихофармакология коллежи (European College of Neuropsychopharmacology) томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари ҳам буни тасдиқлайди. Қитъадаги 30 мамлакатда уч йил давомида олиб борилган ўрганишлардан маълум бўлишича, ушбу давлатлар аҳолисининг 38 фоизи руҳий ва асабий касалликлардан азият чекар экан. Бунга, асосан, иш ёки оилавий ҳаётдаги муваффақиятсизлик, безовталик, ёлғизлик, ҳаётдан норозилик сабаб бўлади. Бу ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, ўз жонига қасд қилиш ёки бошқаларга зиён-заҳмат етказиш каби мудҳиш оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Инсон дунёга бахтли яшаш учун келади. Бунга тинчлик-осойишталик туфайлигина эришиш мумкин. Зеро, тинчлик ҳукмрон юртдагина инсон ўз мақсадларини амалга ошира олади, ҳаётидан рози бўлиб яшайди.

Бу аслида оддий ҳақиқат. Уни тушуниш ва унга риоя этиш учун кўп нарса керак эмас. Шунчаки тарихга, ён-атрофга назар солиш кифоя.

Бугунги глобаллашув жараёнида ҳар хил маънавий таҳдидлар, ахборот хуружлари гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона намоён бўлмоқда. Давлатларнинг ривожланишини кўролмайдиган, тараққиётнинг орқага кетишини истайдиган, шу йўл билан ўз мақсадларига эришишни кўзлайдиган ғаразли кучлар турли келишмовчилик ва нотинчликларни келтириб чиқаришга уринмоқда.

Афсуски, баъзида бунга эришмоқда ҳам. Дунёда қонли можаролар, миллатлараро ва динлараро низолар, терроризм, экстремизм авж олмоқда. Одамлар фарзандидан, яқинларидан жудо бўлмоқда – бағри бутунлик йўқолмоқда. Қуролли тўқнашувлар, босқинчиликлар сабаб уй-жойлар, ижтимоий объектлар вайронага айланмоқда.

Битта дарахтнинг бўй чўзиб, мева тугиши учун йиллар керак бўлади. Лекин уни кесиб, нобуд қилиш учун бир дақиқа кифоя. Уруш бўлаётган мамлакатлардаги вайронагарчиликларни кўриб, шундай фикр хаёлдан ўтади. Неча йиллар давомида шаклланган шаҳарлар, не-не заҳматлар эвазига бунёд этилган иншоотлар кўз очиб-юмгунча вайронага айланмоқда.

Ўйлаб қоласан: ўша мамлакатлардаги одамлар ҳам хотиржам дам олармикан? Фарзандлари билан бир дастурхон атрофида суҳбатлашиб ўтирармикан? Боғида деҳқончилик, қишлоғида ятувчилик қилармикан?

Йўқ. Бахтли яшаш учун дунёга келган қанчадан-қанча одамлар шундай оддий нарсалардан маҳрум.

Минг шукурки, юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукмрон. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда тинчлик, барқарорлик таъминланаётгани ушбу эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда асосий омил бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи – юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаб келаётганимиздадир.

Бу неъматларнинг барқарор ва мустаҳкам бўлиши учун танлаган йўлимизда собитқадам бўлиб, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувликни кўз қорачиғидек асрашимиз жоиз. Бунинг учун доимо огоҳ бўлиш, турли бало-қазоларни аввалдан англаш, уларнинг олдини олишга ҳаракат қилиш зарур.

Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида бу масалага яна бир бор эътиборни қаратди. Бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва таҳликали замонда турли минтақаларда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ва қонли тўқнашувлар тобора кучайиб бораётганини кўриб, кузатиб, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, ҳушёрлик ва уйғоқлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этаётганини таъкидлади.

Бундай вазиятда одам ўз миллий қадриятларига, соғлом негизда шаклланган дунёқарашига, мустақил фикрига суяниши, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва яратувчанлик, шаҳару қишлоқларимиздаги ободлик ва фаровонлик, ҳар бир соҳада қўлга киритилаётган улкан муваффақиятларга қалб кўзи билан қараши, бугунни ўтмиш билан, ўзимизни бошқалар билан қиёслаб, фикр юритиши зарур.

Ватан танланмайди. Ўзбекистон биз учун муқаддас замин. Бу ерда ота-боболаримизнинг хоки осойиш топган, фарзандларимиз шу юртда камолга етмоқда. Унинг қувончи ҳам, ташвиши ҳам ўзимизники. Шу пайтгача четдан келиб ҳеч ким мадад бермаганидек, бундан кейин ҳам ҳеч ким бекорга ёрдам қўлини чўзмайди.

Биз мамлакатимиз келажагини ўз ақлу заковатимиз, ўз азму шижоатимиз билан қурмоқдамиз. Мустақиллик йилларида бошланган эзгу мақсад ва улкан режаларни собитқадамлик билан амалга оширмоқдамиз. Бунинг учун бизга тинчлик керак, омонлик керак. Эл-юртимизга кўз тегмасин!

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# ИМТИЁЗЛИ ЛИЗИНГ

**(Боши 1-саҳифада)**

Йил охиригача 4,5 мингдан ортиқ фермер хўжалиги ва МТПларга қирққа яқин турдаги 5 мингтадан зиёд техникани етказиб бериш кўзда тутилган.

Техника воситаларини лизингга олишда фермер хўжаликлари ва МТПлар учун яратилган қатор имтиёзлар ҳақидаги маълумотлар тадбир қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Қайд этилганидек, ҳайдов тракторлари, ғалла ўриш комбайнлари, терим машиналарининг лизинг муддати фермер хўжаликлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидаги машина-трактор парклари учун ўн йил этиб белгиланган. Бунда техника қийматининг 15 фоизи олдиндан тўланади. Йиллик лизинг фоизининг миқдори эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг эллик фоизидан ошмайди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ, лизинг олувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг лизинг тўловлари бўйича қўшилган қиймат солиғидан, лизинг шартномаси амал қиладиган муддатга лизингга берилган мулкка солиқ тўлашдан озод қилингани ҳам уларга мадад бўлмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси фермер хўжаликлари ва МТПларга "ЎзКейсТрактор" қўшма корхонасининг "МХМ-140", Тошкент трактор заводида ишлаб чиқарилаётган "ТТЗ-80.10", "ТТЗ-80.11" тракторлари, "Агрохим" қўшма корхонасида тайёрланган "ОРПД-12М" русумли пуркагичлар каби қатор техника воситаларини таклиф этмоқда. Сўнгги йилларда улар қаторига ғалла ўриш комбайнлари, чигит экиш сеялкалари, терим машиналари ва чеканка қилувчи агрегатларнинг ўнлаб янги турлари киритилгани эътиборлидир.

Тадбир давомида "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси ва "Ўзагромашсервис" уюшмаси томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга кўрсатилаётган сервис ва консалтинг хизматлари ҳақида ҳам батафсил сўз юритилди.

**Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Наманган Вилояти

**Наманган туманидаги "Усмонобод қоя" фермер хўжалиги аъзолари жорий йилда 36 гектар майдонда ғўза парваришлашди.**

# ДАЛА ЧЕТИ ҲАМ ДАРОМАД МАНБАИ

Хўжаликнинг пахта далаларини кўздан кечирар эканмиз, бу ерда мўл ҳосил яратилганлигига гувоҳ бўлдик.

– Йил бошида ҳосилдорликни ҳар гектар ҳисобига ўртача 30 центнердан белгилаган эдик, – дейди фермер Усмонжон Туманов. – Бироқ йил давомида қилинган машаққатли меҳнатимиз зое кетмай, ўзининг яхши самарасини берадиган бўлди. Шу боис, ҳосилдорликни гектар бошига 35-36 центнерга етказишга аҳд қилдик. Натижада соф даромадимизни мустаҳкамлаш ҳисобига хўжалик аъзоларининг моддий манфаатдорлигини янада яхшилаш ниятидамиз.

Хўжаликда бўш ётган кафтдек жой йўқ. Дала четларига терак ва бошқа дов-дарахтлар экилган. Усмонжон аканинг таъкидлашича, бу ерда заҳ сувлари ер юзасига яқин жойлашган. Шу боис, ҳар бир туп экилган дарахт пахта ва ғалла ўсимликларини кучли гармсел ва шамол эрозиясидан сақлайди. Боз устига, заҳ сувларни симириб, маълум миқдорда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиланишига хизмат қилади.

– Ўсимликлар дунёси инсон саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил ҳисобланади, – дейди фермер. – Ота-боболаримиз ҳам азалдан боғу бўстон яратишни хайрли амал ҳисоблашган. 2005 йилнинг ўзида 40 минг тупдан ортиқ дарахтлар экдик. Натижада ер остидаги заҳ сувлари йилдан-йилга тортилиб, ерларнинг мелиоратив ҳолати бир мунча яхшиланиб, ўз-ўзидан пахта ва ғалла ҳосилдорлиги ошиб бормоқда. Қолаверса, фермер хўжалигимизда ёғочсозликни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

Фермер хўжалигида йигирма нафардан ортиқ аъзо бор. Уларнинг аксарияти миришкорлар. Абдуқаҳҳор Юсупов, Абдулҳай Жўраев каби механизаторлар, Умматали Юсупов, Одилжон Эргашев, Дониёр Хўжамов сингари сувчилар, Гулнора Имомқулова, Ёқутхон Хўжаева, Мунира Солиева ва бошқа жонкуяр хўжалик аъзоларининг фидокорона меҳнатлари туфайли ҳар йили пахта, ғалла ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида улкан марралар қўлга киритилмоқда. Бу эса хўжаликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

▼ ҚАРОР ВА ИЖРО

# ТАЪМИНОТДАГИ БАРҚАРОРЛИК — ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Президентимизнинг 2013 йил 5 июлдаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2013-2014 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан Қашқадарё вилоятида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари» ОАЖда олиб борилган ишлар мисолида буни янада аниқроқ кўриш мумкин.



"Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари" ОАЖ директори Жамшид Фозиловнинг таъкидлашича, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб, Касби, Косон туманлари ва Қарши шаҳрида 21 та тармоқ трансформатори катта қувватли трансформаторга алмаштирилди. 0,4-110 кВ ҳаво линияларидаги 1230 та нуқсонли яроқсиз изоляторлар ўрнига янгиси қўйилди. Ҳаво линиялари ҳамда 2460 та ТПларда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Мавсумда аварияларни тезкорлик билан бартараф этиш мақсадида 25 та тармоқ трансформатор захираси 30 тага етказилди.

55 км 10-0,4 кВ кабель ва ҳаво линиялари янгидан тортилди ва 669 дона яроқсиз ёғоч устунлар темирбетонларга, 16 дона тармоқ трансформатори катта қувватлисига алмаштирилди. 24 та массивдаги 1050 та намунавий лойиҳадаги уй-жойларни электр энергияси билан таъминлаш учун ҳаво линиялари тортилди.

Касби туманидаги "Ғалаба", Қарши туманидаги "Тўқманғит", Нишон туманидаги "Пахтаобод", Муборак туманидаги "Муборак-Жанубий-2" ва Косон туманидаги "Жарқум" нимстанциялари электр ускуналарининг ҳолати яхшиланиб, тўлиқ таъмирланди. Ғузор, Қамаши, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Косон туманлари ва Қарши шаҳрида йўл ёқасидаги трансформаторлар таъмирланиб, коммунтация жиҳозлари ўрнатилди. Бўёқ ишлари бажарилди. Синган чироқлар алмаштирилди. Йўлдан кесиб ўтувчи ҳаво линиялари ечиб олинди. Қийшайган устунлар тўғриланди. Йўл ёқасидаги истеъмолчиларга электр тармоқларини таъмирлаш бўйича огоҳлантириш хатлари берилди. Қарши шаҳрининг Ўзбекистон кўчасида қурилаётган кўп қаватли уйларни ташқи электр таъминоти учун ГКТП русумли трансформатор нимстанцияси ўрнатилди. Шаҳрисабз шаҳридаги Амир Темур хиёбонининг мавжуд ёритиш тизимини реконструкция қилиш бўйича жами 5,8 км ҳар хил кесимли кабель тармоғи тортилди.

Сирасини айтганда, аҳил жамоа 2013-2014 йиллар куз-қиш мавсумига пухта тараддуд кўришди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Ер – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бош воситаси. Тупроқ унумдорлиги ва ишлаб чиқариш қувватларини ошириш кўп жиҳатдан унга эҳтиёткорлик, тежамкорлик билан муносабатда бўлишга боғлиқ.**

# ЭЪТИБОР – МУҲИМ ОМИЛ

Ана шулар ҳисобга олинган ҳолда мамлакатимизда ерни асраб-авайлаш, ҳосилдорлигини ошириш мақсадида мустақилликнинг илк йилларидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган. Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу жараёнда муҳим ҳаётбахш ҳужжат бўлди. Ўтган даврда бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Фикримизни Фарғона вилоятида амалга оширилган ишлар мисолида давом эттирсак. Вилоятда 2008-2012 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар Давлат дастури асосида 7374,4 километр очиқ коллектор тармоқлари барча иншоотлари билан тозаланиб, реконструкция қилинди, 16 дона мелиоратив насос станцияси қурилди, 4 дона мелиоратив насос станцияси реконструкция қилинди, 64 дона тик заҳ қочириш қудуқлари ишга туширилиб, 215 донаси реконструкция қилинди, 3293 донасида эса таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Натижада вилоятнинг 135 та сув истеъмолчилари уюшмасидаги 1257 та фермер хўжалиги ҳудудидаги 174,8 минг гектар майдонларда зовурлар тизими яхшиланди. 2007 йилда сизот сувларининг сатҳи 2 метргача бўлган майдонлар 14 003 гектарга, ўртача шўрланган майдонлар 6 278 гектарга, кучли шўрланган майдонлар 3 607 гектарга, мелиоратив ҳолати қониқарсиз майдонлар 13 571 гектарга камайишига, шунингдек, пахта ҳосилдорлиги 2-3 центнергача, ғалла ҳосилдорлиги 3-5 центнергача ошишига эришилди. Экинларни вегетация мавсумида сув билан таъминлашнинг ишончли тизими яратилди.

Соҳадаги янгиликлар, илғор тажрибаларни оммалаштириш борасида ҳам истиқболли лойиҳалар олиб борилмоқда. Бу борадаги ишлар кўламининг кенгаяётгани эса тараққиёт ва аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**Муҳаммадқодир ҲАМДАМОВ,**
*Андижон қишлоқ хўжалик институти магистранти.*

Андижон Вилояти

▼ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

# БАНК САРМОЯСИ ЭЗГУ МАҚСАДЛАРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРМОҚДА

**Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинаётир. Натижада тадбиркору фермерларнинг истиқболли лойиҳалари тижорат банклари томонидан молиявий рағбатлантирилиб, пировардида, аҳоли фаровонлигининг яхшиланиши ҳамда даромадларининг ошишига хизмат қилмоқда.**

Бу борада "Агробанк" ОАТБнинг Андижон вилояти бошқармаси томонидан ҳам юрт тараққиёти ва фарвонлигини ошириш, мижозларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида эзгу ишлар узвий давом эттирилмоқда.

Келинг, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратилаётган эътиборга назар ташлаймиз. Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, вилоят бошқармаси томонидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг умумий ҳажми 30,3 миллиард сўмни ташкил этди. Сармоялар самарасида 2 мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

Олтинкўллик Анисбек Шокиров ана шундай сармоядан баҳраманд бўлган тадбиркорлардан. Банкнинг Олтинкўл филиалидан "Zarrin savdo and" оилавий корхонасига ажратилган 25 миллион сўм кредитга тадбиркор тикув машиналари келтириб, фаолиятини бошлаб юборди. Натижада 5 та янги иш ўрни юзага келди. Келгусида у оилавий бизнесини янада кенгайтирмоқчи.

Шу ўринда оилавий бизнес ва касаначиликка алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Қишлоқда аҳолини иш билан таъминлашда унинг аҳамияти катта. Банк томонидан шу жиҳатга ҳам жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври давомида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ҳунармандчилик билан шуғулланиш учун 736,3 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг туб замирида одамларнинг фаровон ҳаёт кечириши, турмушини бундан-да обод этиш мужассамлашган. Обод турмуш йилида ҳам молия муассасаси томонидан бир қатор чора-тадбирлар дастури белгилаб олиниб, шундан келиб чиққан ҳолда банк мижозларига тезкор ва ишончли хизматлар кўрсатиб келинаётир.

Бугунги кунда пишиқ-пухта лойиҳа тузиб, уни ҳаётга татбиқ этишга киришган ва муайян тармоқни ривожлантиришга астойдил бел боғлаган тадбиркор ёки фермер юртимизда яратиб берилаётган имконият ва имтиёздан самарали фойдаланиб, ҳам оиласи, ҳам маҳалласига нафи тегмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банкнинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан 8 миллиард 500 миллион сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун 5 миллиард 400 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Натижада вилоятнинг иқтисодий барқарорлиги яхшиланиб, маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш салоҳияти ошмоқда.

– Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида биз каби фермерларга кенг имконият ва имтиёзлар яратиб берилмоқда, – дейди Пахтаобод туманидаги "Обод диёр саховати" фермер хўжалиги раҳбари Талантбек Мадумаров. – Фермер хўжалигимиз кўптармоқлиликка ихтисослашган. Обод турмуш йилида ҳам ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадларимизга босқичма-босқич эришишда бизга банкнинг молиявий мадади қўл келаётир.

– Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ускуналар келтириш ва янги иш ўринлари яратиш мақсадида Агробанкнинг Пахтаобод филиалидан 29 миллион сўм кредит олдик. Сармоя эвазига 8 нафар киши ишли бўлди. Шундан уч нафари коллеж битирувчиси. Ҳозирги кунда нон ва нон маҳсулотларининг бир неча тури ишлаб чиқарилиб, аҳолига етказиб берилмоқда.

Айни пайтда вилоятда муҳим мавсум – пахта йиғим-терими давом этаётир. Пахтакорларимиз етиштирган ҳосилларини сарант-жомлаб, эл хирмонини юксалтиришга ҳисса қўшмоқдалар. Бу жараёнда ҳам молия муассасаси уларни қўллаб-қувватламоқда.

Шунингдек, "Агробанк" ОАТБнинг Андижон вилояти бошқармаси томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш учун ҳам кредит маблағлари ажратиб келинмоқда. Банк кредитлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар натижасида ҳудудда тармоқлар ривожланиб, ишлаб чиқариш салмоғи ортмоқда, кўплаб иш ўринлари яратилмоқда, аҳоли фаровонлиги юксалмоқда.

Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, қорамолчиликни тараққий эттиришга 5 миллиард 600 миллион сўм, паррандачиликка 922 миллион сўм, балиқчиликни ривожлантиришга 813 миллион сўм, асаларичиликка 155,5 миллион сўм банк кредитлари ажратилгани ҳам буни тасдиқлаб турибди. Бундан ташқари, интенсив боғдорчиликни ривожлантиришга 583,2 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди.

– Ички бозорларни сархил мева-сабзавотлар билан янада тўлароқ таъминлаш мақсадида давлатимиз томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларида интенсив боғлар ташкил этишни тараққий эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Балиқчи туманидаги "Чин Чинобод даласи" фермер хўжалиги раҳбари Ҳакимжон Каримов.

– Хўжаликда қўшимча тармоқ – интенсив боғ ташкил этиш ва аҳолига сархил мева-сабзавотлар етказиб бериш мақсадида молия муассасасининг Балиқчи филиалидан 70 миллион сўм кредит олиб, бунинг ҳисобига 4 кишини иш билан таъминладик. Банк билан ҳамкорлик қилиб кам бўлмаяпмиз. Хўжалигимиз моддий аҳволи йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Бундан хўжалик аъзолари ҳам мамнун.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Агробанк" ОАТБнинг Андижон вилояти бошқармаси томонидан коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, ўз бизнес лойиҳалари билан банкка мурожаат қилаётган битирувчиларга кўрсатилаётган хизматлар ҳамда уларнинг банк кредитлари билан молиявий қўллаб-қувватланиши нур устига нур бўлмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, мижозлар манфаатини фаолиятидаги асосий тамойил ҳисоблайдиган банк жамоаси тараққиёт ва фаровонлик учун хизмат қиладиган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда давом этаётир. "Агробанк"нинг мижозларга хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш борасида олиб бораётган ишлари янги-янги марраларга интилиш, яъни аниқ мақсад сари дадил одимлар ташланаётганидан далолатдир.

**Озод ОЧИЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Кармана тумани ҳокимлигининг 2013 йил 18 сентябрдаги 01-42/100-сонли алоқа хатларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга Навоий шаҳар Навоий кўчасининг М-37 магистраль йўлига қўшиладиган йўл ёқасидан қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:**

**1.** Уч қаватли меҳмонхона биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 5300,0 кв.м. 1-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 2 803 594 сўм.

**2.** Икки қаватли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФF "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 413,5 кв.м. 2-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 218 734 сўм.

**3.** Икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 185,6 кв.м. 3-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 98 179 сўм.

**4.** Икки қаватли чойхона биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 416,6 кв.м. 4-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 220 374 сўм.

**5.** Икки қаватли миллий ширинликлар ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 756,4 кв.м. 5-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати- 400 121 сўм.

**6.** Икки қаватли хўжалик моллари сотиш биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 446,5 кв.м. 6-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 236 190 сўм.

**7.** Икки қаватли савдо дўкони биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 984,4 кв.м. 7-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 520 728 сўм.

**8.** Икки қаватли кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 356,6 кв.м. 8-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 188 635 сўм.

**9.** Икки қаватли компьютер эҳтиёт қисмлари сотиш биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 202,4 кв.м 9-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 107 066 сўм.

**10.** Икки қаватли кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 312,0 кв.м. 10-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 164 418 сўм.

**11.** Икки қаватли пайпоқ ва чулки ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 962,1 кв.м. 11-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 508 932 сўм.

**12.** Икки қаватли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Янги ариқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 845,7 кв.м. 12-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 452 120 сўм.

**13.** Икки қаватли мебель ишлаб чиқариш ва сотиш дўкони биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Янги ариқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 703,1 кв.м. 13-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 371 926 сўм.

**14.** Икки қаватли офис биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Арғун" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 450,0 кв.м. 14-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 238 041 сўм.

**15.** Икки қаватли оптика биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Арғун" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 376,3 кв.м. 15-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 119 056 сўм.

**16.** Икки қаватли умумий овқатланиш ва савдо мажмуаси биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Арғун" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 3100,0 кв.м. 16-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 639 838 сўм.

**17.** Икки қаватли авто ювиш ва сервис хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Арғун" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 264,0 кв.м. 17-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 139 123 сўм.

**18.** Икки қаватли Дорихона биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 360,0 кв.м. 18-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 190 433 сўм.

**19.** Икки қаватли гўзаллик салони биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 480,0 кв.м. 19-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 253 910 сўм.

**20.** Икки қаватли ўқув маркази биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 480,0 кв.м. 20-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 253 910 сўм.

**21.** Икки қаватли авто эҳтиёт қисмлар сотиш дўкони биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Янги ариқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 568,2 кв.м. 46-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 300 567 сўм.

**22.** Икки қаватли автотеххизмат биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Янги ариқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 510,6 кв.м. 47-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 270 098 сўм.

**23.** Икки қаватли савдо дўкони биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 160,0 кв.м. 48-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 84 317 сўм.

**24.** Икки қаватли савдо дўкони биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 168,0 кв.м. 49-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 88 533 сўм.

**25.** Икки қаватли диагностика маркази биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 168,0 кв.м. 50-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 88 533 сўм.

**26.** Икки қаватли маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 168,0 кв.м. 51-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 88 533 сўм.

**27.** Икки қаватли минимаркет биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 198,0 кв.м. 52-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 104 738 сўм.

**28.** Икки қаватли савдо дўкони биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 198,0 кв.м. 53-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 104 738 сўм.

**29.** Икки қаватли минимаркет биноси қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Талқоқ" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан 770,0 кв.м. 54-сонли ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 407 315 сўм.

**30.** Икки қаватли минимаркет бинолари қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Арғун" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан ҳар бири 550,0 кв.м.дан бўлган 55, 56, 57, 58-сонли ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ҳуқуқнинг минимал қиймати - 290 939 сўмдан.

**31.** Икки қаватли минимаркет бинолар қуриш учун Кармана тумани "Янги ариқ" ҚФЙ "Арғун" МФЙ ҳудуди 1-зонасидан ҳар бири 480,0 кв.м.дан бўлган 59, 60, 61-сонли ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ҳуқуқнинг минимал қиймати - 253 910 сўмдан.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Кармана тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

